

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

2-МАХСУС СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР-2

JOURNAL OF LAW RESEARCH
SPECIAL ISSUE-2



ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№SI-2 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2023-SI-2>

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Fayziev Shoxrud Farmonovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

Boboyev Halimboy Boboyevich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Adilxodjayeva Surayyo Maxkamovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Sattorov Abdug'affor

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Artur Gambaryan

yuridik fanlar doktori, professor (Armaniston)

Yosuke Shamoto

yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИОННЫЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

Malikova Gulchexra

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Xusanov Ozod Tillabayevich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Selimanova Svetlana Mixaylovna

yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

Xvan Leonid Borisovich

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Peshkova Xristina Vyacheslovovna

yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)

Sung Un Lee

yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

Oqyulov Omonboy

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ruziyev Rustam Jabborovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Borotov Mirodiljon Xomudjonovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Toshev Boboqul Norqobilovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Shomuxamedova Zamira Shoislamovna

yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)

Ahmad Issa Altweissi

yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)

12.00.04 - ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW; ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

Esanova Zamira Normurodovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Egamberdiyev Eminjon

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jason A.

Kanton Federal sud markazi (AQSH)

12.00.05 - МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

Usmanova Muborak Akmalxanovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Gasanov Mixail Yuriyevich

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Sattorova Gulnoza Djurakulovna

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Murodova Gulnora

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Denisov Gleb

yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Fayziyev Shuxrat Xasanovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Usmonov Muhammadi Bahridinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Xolmuminov Juma
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jo'rayev Yuldash Achilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Skripnikov Nikolay Kuzmich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Po'latov Baxtiyor Xalilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Salomov Baxrom Salomovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Salayev Nodirbek Saparbayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Osmonaliev Qayrat
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Aleksey Kibalnik
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Kudryavtsev Vladislav Leonidovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Sergey Shoshin
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)
James B.
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

Rustambayev Mirzayusup Hakimovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Zufarov Rustam Axmedovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Kabulov Rustam
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Rajabova Mavjuda Abdullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Taxirov Farhod
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ismailov Isomiddin
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Hamidov Nurmuhammad Orif o'g'li
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)
Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Djansarayeva Rima Ernatovna
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Yelena Antonyan Aleksandrovna
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Matthew Light
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)


Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Pulatov Yuriy Safiyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
To'laganova Gulchehra Zaxitovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mirzov Davron Miragzamovich
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)
Rijakov Aleksandr Petrovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Stoyko Nikolay Genadyevich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Iskandarov Zayniddin
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Sergey Pen
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Aleksey Purs
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)
Jurgen Maurer
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)
Kevin Curtin
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

Ismoilov Bahodir Islamovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Yuldasheva Govxerjan
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Alexander Trunk
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)

1. Қиличев Хайрулла Маматович ФУҚАРОЛАР ЙИГИНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ФУҚАРОЛИК- ҲУҚУҚИЙ ШАРТНОМАЛАРНИНГ ТУШУНЧАСИ, МОҲИЯТИ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ.....	5
2. Ubaydullayev Abror Qutpilla o'g'li ISLOM MOLIYA HUQUQI: TUSHUNCHASI, MAZMUNI VA ISTIQBOLLARI.....	15
3. Ходжаев Бахшилло Камолович ТАДҚИҚОТ НАТИЖАСИ СИФАТИДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛККА БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАР ТРАНСФЕРИ ВА УНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ ЖИҲАТЛАРИ.....	21
4. Юсупова Мухбира Абдухоликовна ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МАЛОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В СЕЛЬСКОМ ХОЗЯЙСТВЕ И ПРОБЛЕМЫ ИХ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОГО ГРАЖДАНСКОГО ОБОРОТА.....	29
5. Жуманов Тўлқинбой Саттарович ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИГА КАДРЛАРНИ ТАНЛАШ ВА ТАЙЁРЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУАММОЛАР.....	40
6. Абзалова Хуршида Мирзиятовна ЧТО ОЗНАЧАЕТ «ПРАВО НА ЗАБВЕНИЕ» («ПРАВО БЫТЬ ЗАБЫТЫМ, ПРАВО НА УДАЛЕНИЕ ДАННЫХ»)?:.....	48
7. Имомназаров Алишер Хасанович КЎЗДАН КЕЧИРИШ ТЕРГОВ ҲАРАКАТИНИНГ ТАДРИЖИЙ РИВОЖЛАНИШИ.....	56
8. Курбанов Маъруфжон Мамадаминович, Мамазова Зарифа Курбановна ҲУҚУҚИЙ НОРМАЛАР РАҚОБАТИДА ЖИНОЯТ СУБЪЕКТИГА КЎРА ҚИЛМИШНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ.....	68
9. Курбанов Маъруфжон Мамадаминович, Рашидов Фируз Туйғунович ЖИНОЯТ ҚОНУНИНИНГ ҲУДУД БЎЙИЧА АМАЛ ҚИЛИШИ.....	78
10. Аҳмадов Алимардон Аҳмадович “ЖИНОИЙ АКТИВЛАР”НИ ҚАЙТАРИШГА ОИД ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР.....	90
11. Баракаев Лазизжон Отақулович ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТ ТИЗИМИ ЭЛЕМЕНТИ СИФАТИДА ТАФТИШ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ.....	104
12. Турсунова Маликахон Улуғбековна РАҚАМЛАШТИРИШ ТЕНДЕНЦИЯСИНИНГ ДИПЛОМАТИК ХИЗМАТГА ТАЪСИРИ: ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ, МУАММОЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	113




12.00.10-МЕЖДУНАРОДНОЕ ПРАВО

Турсунова Маликахон Улугбековна,
Тошкент давлат юридик университети
доценти вазифасини бажарувчиси
E-mail: malichka_8888@mail.ru

**РАҚАМЛАШТИРИШ ТЕНДЕНЦИЯСИНING ДИПЛОМАТИК ХИЗМАТГА
ТАЪСИРИ: ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ, МУАММОЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ**

For citation: Tursunova Malikaxon Ulugbekovna. IMPACT OF DIGITALIZATION TRENDS ON FOREIGN SERVICE: FEATURES, PROBLEMS AND PROSPECTS. Journal of Law Research. 2023, Special issue 2, pp.113-119

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.8113971>

АННОТАЦИЯ

Ушбу илмий мақолада рақамлаштириш тенденцияларининг дипломатик хизматга таъсири омиллари, рақамли технологияларни ривожлантириш контекстида рақамли дипломатик фаолиятни ривожлантириш бўйича жаҳон амалиётидан мисоллар, шунингдек, ушбу савол билан боғлиқ айрим муаммолар ва истиқболлар кўриб чиқилади. Илмий мақоладаги тадқиқотнинг долзарблиги рақамли дипломатиянинг амалий аҳамияти ва оптималлиги, уни Ўзбекистон Республикасида институционал жиҳатдан мустаҳкамлаш ҳамда бошқа давлатлар билан давлат ва дипломатик муносабатлар амалиётида оммалаштириш зарурлиги билан белгиланади.

Калит сўзлар: Давлат, дипломатия, рақамли дипломатия, Интернет, рақамлаштириш, халқаро алоқалар.

Турсунова Маликахон Улугбековна,
Исполняющий обязанности доцента Ташкентского
государственного юридического университета,
E-mail: malichka_8888@mail.ru

**ВЛИЯНИЕ ТЕНДЕНЦИЙ ЦИФРОВИЗАЦИИ НА ДИПЛОМАТИЧЕСКУЮ СЛУЖБУ:
ОСОБЕННОСТИ, ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ**

АННОТАЦИЯ

В настоящей научной статье исследуются факторы влияния тенденций цифровизации на дипломатическую службу, примеры мировой практики развития цифровой дипломатической деятельности в контексте развития цифровых технологий, а также некоторые проблемы и перспективы, связанные с поставленным вопросом. Актуальность исследования в научной статье состоит в практической востребованности и оптимальности цифровой дипломатии, необходимости ее институционального укрепления в Республике Узбекистан и

популяризации на практике государственных и дипломатических отношений с другими государствами.

Ключевые слова: Государство, дипломатия, цифровая дипломатия, Интернет, цифровизация, международные отношения.

Tursunova Malikaxon Ulugbekovna,
Acting Associate Professor of Tashkent state university of law,
E-mail: malichka_8888@mail.ru

IMPACT OF DIGITALIZATION TRENDS ON FOREIGN SERVICE: FEATURES, PROBLEMS AND PROSPECTS

ANNOTATION

This scientific article examines the factors of influence of digitalization trends on the diplomatic service, examples of world practice in the development of digital diplomatic activity in the context of the development of digital technologies, as well as some problems and prospects related to the question posed. The relevance of the study in the scientific article lies in the practical relevance and optimality of digital diplomacy, the need for its institutional strengthening in the Republic of Uzbekistan and the popularization in practice of state and diplomatic relations with other states.

Keywords: State, diplomacy, digital diplomacy, Internet, digitalization, international relations.

Кириш

Мазкур илмий тадқиқот ишининг долзарблиги рақамли технологияларни ривожлантириш жараёнларининг тобора фаоллашуви, халқаро алоқалардаги янги муаммолар ва уларни тезкор ва самарали бартараф этишда рақамли дипломатия имкониятларининг ошиб бориши билан бевосита боғлиқ.

Ушбу илмий тадқиқотнинг мақсади рақамлаштириш тенденцияларининг дипломатик хизмат асосларига кўрсатадиган таъсирининг ўзига хос хусусиятларини ёритган ҳолда рақамли дипломатиянинг айрим долзарб муаммолари ва келгусидаги истиқболларини таҳлил қилиш ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси замонавий дипломатик муносабатларни таҳлил қилиш усуллари, рақамлаштиришни ифодалашнинг ўзига хос шакллари аниқлаш, дипломатик муносабатларда АКТ нинг ролини таҳлил қилиш, семантик таҳлилни қўллаш ва рақамли дипломатияни ривожлантириш истиқболларини моделлаштириш бўлди.

Ҳозирги пайтда “кибер дипломатия”, “рақамли дипломатия”, “дипломатия 2.0”, “веб дипломатия” каби тушунчалар оммалашиб бормоқда. Бу эса мазкур тушунчаларни, аввало, илмий-назарий жиҳатдан атрофлича тадқиқ этган ҳолда, сўнгра эса тегишли қонунчилик ҳужжатларида акс эттириш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Тадқиқотчилар тўғри таъкидлаганидек, рақамли дипломатия анъанавий дипломатиядан келиб чиқади, у давлатлар томонидан маданиятлар, сиёсий қарашлар, манфаатлар, хулқ-атвор ва умуман халқаро муносабатларни яхшироқ тушуниш учун фойдаланиладиган восита сифатида таърифланади[1].

Асосий қисм

Замонавий рақамли майдоннинг шаклланиши бутун дунёда глобаллашув суръатларини янада тезлаштирди, давлатлар ўртасидаги чегараларни, том маънода, йўққа чиқармоқда. Шунингдек, рақамли технологияларни қўллаш соҳаси жуда катта суръатларда ўсиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Бугунги кунда рақамли технологиялар кириб бормаган ва фаол қўлланилмаётган фаолият соҳасининг ўзи деярли йўқ. Табиатига кўра, кўплаб элементларни, мураккаб муносабатларни, дипломатияни ўз ичига олган тизимда ифодаланган халқаро муносабатлар ҳам рақамлашиш томон илдам қадам ташлашни бошлади. Дипломатиянинг рақамли модели доимо ривожланиб, такомиллашиб бормоқда. COVID-19 ушбу тенденциянинг ривожланишига катта туртки бериб, дипломатик фаолиятнинг рақамли маконга ўтишини тезлаштирди. Ушбу тенденциянинг амалиётга жорий этилишига мисол

сифатида 2020 йилдан бошлаб G7, G20 ва ASEAN каби рақамли халқаро саммитларни ("Zoom дипломатияси" деб ҳам аталади) [3]. кўрсатиш мумкин. [2]

Аввало, рақамли дипломатия замонавий, нисбатан янги тушунчалардан бўлганлиги сабабли муайян аниқлик киритишни талаб этади. Хусусан, С.Риордан "электрон дипломатия", "кибер дипломатия" ва "рақамли дипломатия" атамаларини фарқлашни таклиф қилади. "Рақамли дипломатия" атамаси остида тадқиқотчи дипломатик муаммоларни ҳал қилиш учун рақамли воситалардан фойдаланишни назарда тутди. "Кибердипломатия" атамаси кибермаконда юзага келадиган давлатлараро муаммоларни ҳал қилиш учун дипломатик воситалардан фойдаланиш билан боғлиқ. "Электрон дипломатия" атамаси дипломатияни электрон қўллаб-қувватлаш жараёни ва воситаларига нисбатан ишлатилади. Бизнинг фикримизча ҳам рақамли дипломатия тушунчаси мазкур муносабатларнинг моҳиятини кенгроқ очиб беришга муносиброқ.

Агарда илгари дипломатлар аҳоли билан турли босма нашрлар ёки оммавий учрашувлар орқали мулоқот қилишган бўлса, бугунги кунда интерактив ва кўпинча норасмий услубда Интернет тармоқларида ўзаро алоқа қилиш мумкин. Бу эса маълумотни дарҳол етказиш ва кун тартибидаги масалалар бўйича муҳокамаларни самарали олиб бориш имконини беради. Шу жиҳатдан бутун дунёда рақамли дипломатияни қабул қилиш ва унинг самарали хусусиятларидан кенгроқ фойдаланиш масалалари кетмоқда.

Хорижий мамлакатлар амалиётидан келиб чиқиб, замонавий дипломатик муносабатларда рақамли дипломатия маълумотлар дипломатияси, киберхавфсизлик ва кибердипломатияни таъминлаш тизими, интернетни глобал бошқариш ва рақамли сайлов технологиялари элементлари мавжудлиги ҳақида гапириш мумкин. Замонавий халқаро муносабатлар тизими давлатлар ва фойдаланувчиларнинг (жисмоний шахсларнинг) кибермакондаги дипломатик ва консуллик ҳуқуқий муносабатлари доирасидаги ўзаро ҳамкорлиги янгиланган ҳуқуқ нормалари билан тартибга солиниши шарт бўлган форматга ўтди.

Рақамли дипломатия, классик тушунчасини [4] ҳисобга олган ҳолда, рақамлаштириш тенденцияларининг асосий объекти, рақамлаштириш, маълумотлар ва халқаро муносабатлар тизимидаги ўзгарувчан элементлардир. [5]. Рақамли дипломатия фаолиятининг бир қисми сифатида биз барча даражадаги катта маълумотлар таҳлили, шу жумладан халқаро ташкилотлар, Ташқи ишлар вазирлиги, рақамли медиа платформалари, оммавий дипломатия иштирокчилари билан ўзаро алоқалар ҳақида гапиришимиз мумкин, бу эса давлат дипломатиясининг асосларини ўзгартириш имконини беради. Бир сўз билан айтганда рақамли дипломатия "маълумотлар дипломатияси" га айланади.

Рақамли дипломатия асослари ва бўлимларини биринчи бўлиб яратган давлатлар АҚШ, Россия, Европа давлатлари, Хитой, Эрон ва бошқалардир. Хусусан, АҚШда рақамли дипломатиянинг амалётга кириб келиш тенденциясини бир неча босқичларга бўлиб кўрсатиш мумкин. Жумладан, биринчи босқичда (2009-2012) Давлат котиби Х.Клинтон рақамли дипломатия тушунчасини тақдим этди ва янги лойиҳаларни ишга туширди. Кейинчалик 2011-2013 йилларда ишлаб чиқилган ИТни ривожлантиришнинг янги стратегик режасида АҚШ Давлат департаменти бир қатор устувор йўналишларни белгилаб олди. Шулардан бири рақамли дипломатияни янада ривожлантириш эди [6].

Бугунги кунда Ўзбекистонда дипломатияни рақамлаштириш борасида бир қатор ҳуқуқий асослар яратилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори, «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонларини келтириб ўтиш мумкин. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорида Ташқи ишлар вазирлигининг моддий-техника базасини замонавий компьютер техникаси ва дастурий таъминот воситалари билан мустаҳкамлаш, ахборот тармоқларини модернизациялаш, ахборот хавфсизлигини

мустаҳкамлаш, ҳимояланган видеоконференцалоқа тизимини, шунингдек, халқаро шартномаларни, уларнинг амалга оширилишини инвентаризация ва мониторинг қилишни ягона ҳисобга олиш электрон маълумотлар базасини яратиш, веб-сайтларни, консуллик хизматларини кўрсатиш тартибини такомиллаштириш ва уларни электрон шаклга ўтказиш вазифалари белгиланди.

«Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонда эса Рақамли дипломатияни ривожлантириш вазифалари қўйилди.

Бизга оммавий дипломатия шакли сифатида ифодаланган рақамли дипломатия интернет, радио ва телеведения эшиттиришлари, мобил телефонлар орқали маълумот юбориш, ҳукумат аъзоларининг ижтимоий тармоқларда шахсий саҳифаларини яратиш орқали хорижий аудиторияга таъсир ўтказиш механизми сифатида кўринади. Шунингдек, айрим олимлар масаланинг бошқа томонларига ҳам эътибор қаратишади. Хусусан, ахборот-коммуникация технологиялари ва интернетнинг жадал ривожланишининг салбий оқибатларидан бири халқаро низоларнинг янги шакллари, жумладан, ахборот ва тармоқ урушларининг пайдо бўлишидир[7].

Долзарб муаммолар таҳлили

Замонавий халқаро муносабатлар тизими энди турли қадриятлар ёки иқтисодиётларнинг қарама-қаршиликдан иборат эмас, балки рақамли макондан ахборот оқимига кирадиган ва турли давлатлардаги сиёсий барқарорлик асосларига таъсир кўрсатадиган турли воқеликларнинг қарама-қаршиликдан иборат. Замонавий дунёда рақамли дипломатия ва ижтимоий тармоқлар ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд. Зеро, ижтимоий тармоқларсиз рақамли дипломатияни тасаввур қилишнинг имкони йўқ. Албатта, рақамли дипломатия даражаси мавжуд рақамли технологияларнинг ривожланиш даражасига боғлиқ бўлиб, бу ўз навбатида жамоатчилик фикрига таъсир қилади. Натижада улар рақамли дипломатия олиб келадиган қадриятларни қабул қилади ёки қабул қилмайди.

А.Вендт ва Ж.Дер Дерианларнинг тўғри таърифига кўра, “шахс-субъектларнинг доимий ўсиши, киберхужумларнинг кенгайиши, ижтимоий тармоқлардаги норозиликларнинг кенгайиши дипломатик муносабатларда чигалликларнинг пайдо бўлишига олиб келди”[8]. Бундан ташқари, интернетдаги "худудлар" устидан назорат чизигида рақамли ресурслар ва рақамли қувват имкониятлари билан ўлчанадиган давлатлар ўртасидаги янги қарама-қаршилик феноменини кузатиш мумкинлигини инкор этиб бўлмайди. Глобал ахборот жамияти воқелигида мисли кўрилмаган тезликда ахборот тўплаш ва уни кенг аудитория билан баҳам кўриш имконияти сиёсий етакчилар ва ҳукумат идоралари учун янги имкониятлар очди. Халқаро майдонда барча стереотипларни йўқ қилиб, давлатнинг ҳақиқий қиёфасини шакллантириш инвесторлар оқимини жалб қилишга ёрдам беради, бу эса кейинчалик унинг самарали ривожланиши ва фаолиятида намоён бўлади. Бунда асосий масалалардан бири бўлиб, янги ахборот технологиялари асосига қурилган муносабатларга нисбатан объектив қарашларни шакллантириш зарур бўлади. Аънавий дипломатия шакллари ички ва ташқи сиёсатда ҳукмронлик қилишда давом этса-да, кўплаб ҳукуматлар технологиядан мулоқот қилиш, маълумот тўплаш ва ўз ичида ва чет элда қадриятларни тарғиб қилиш учун янги восита сифатида фойдаланмоқда.

Давлатларнинг халқаро ва дипломатик муносабатлари ҳақидаги рақамли контентнинг доимий ривожланиши ноаниқ маълумотлар хавфи билан боғлиқ бўлиши мумкинлигини эътибордан четда қолдириб бўлмайди, бу эса жамиятнинг муайян давлат фаолиятига нисбатан қарашларини чалкаштириб юбориши мумкин. Шу жиҳатдан, рақамли дипломатияни халқаро муносабатлар доирасига олиб чиқишда, аввало, хавфсизлик чораларини ўз ичига олган алоҳида тизимни жорий этиш мақсадга мувофиқ. Бу жараён аста-секинлик билан рақамли дипломатия ва киберхавфсизлик соҳаларининг яқинлашиши бошланишига олиб келади.

Шуни ҳам тан олиш керакки, ҳозирги вақтда халқаро муносабатлардаги рақамлаштириш тенденциялари халқаро нормалар ва ўзаро ҳамкорлик соҳасида келишувлар мавжуд бўлмаганда, "маълумотларни олишнинг рухсатсиз усуллари, кибержиноятлар рақамли

маконда фойдаланувчиларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин" [9] ва бундай таъсирнинг оқибатлари кўпинча олдиндан айтиб бўлмайди. Албатта, ҳар бир муҳим ислохот ёки тенденциянинг амалиётда қай даражада самарали жорий этилишининг зарурий шarti, шубҳасиз ушбу муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини яратиш ҳисобланади. Маълумки, бугунги кунда рақамли дипломатия, уни амалга ошириш тартиби ва ўзига хос хусусиятларини тартибга солишга қаратилган халқаро даражадаги ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинмаган.

“Дипломатик хизмат тўғрисида”ги қонуннинг мавжуд эмаслиги ҳамда дипломатик хизматнинг ҳуқуқий асослари қонуности нормалар билан тартибга солинганлиги ҳам рақамли дипломатия ривожланишидаги энг яққол муаммолардан бири ҳисобланади. Ўзбекистонда тегишли қонун лойиҳаси ишлаб чиқилганига қарамай, қонуннинг ўзи ҳалигача қабул қилинмаган. Шу билан бирга, дипломатик ҳуқуқий муносабатлар давлатлар ўртасидаги халқаро мулоқот шакли сифатида ўзининг глобал ва универсал характерига кўра қонунчилик билан тартибга солишга муҳтож бўлган муносабатлар соҳасидир. Шунга кўра, дипломатик фаолият асосларини қонунчилик билан тартибга солишнинг бир қатор муҳим афзалликларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Жумладан, келгусида рақамли дипломатияни қонунчилик билан тартибга солиш, унинг шакллари белгилаш, шунингдек, мазкур жараёнда юзага келиши мумкин бўлган технологик ва ахборот кўринишидаги хатарларнинг камайишига хизмат қилади. Бундан ташқари, мазкур қонун мамлакатимизда рақамли дипломатияни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга қаратилган қонун ва қонуности ҳужжатлари учун принципиал нормаларни яратишга хизмат қилади.

Биз рақамли дипломатия субъектлари дуч келадиган барча муаммоларни келтирмадик, лекин келтирилган муаммоларни кўриб чиқиш ва таҳлил қилиш асосида дастлаб конструктив илмий таҳлил, кейин эса давлатларнинг ахборот хавфсизлигини такомиллаштириш, IT соҳасида юқори малакали кадрлар алмашинуви, алоқа тузилмасини такомиллаштириш йўналишларида фаол халқаро ҳамкорлиги орқали уларни ҳал қилиш мумкин. Рақамли дипломатия зудлик билан ишончли маълумотларни тақдим этиш, нотўғри маълумотларни рад этиш ва расмий манбалардан олинган маълумотларни тасдиқлаш вазифасини бажаради. Бугунги кунда мамлакатлар ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари қаторига рақамлаштириш ҳам киритилгани, хусусан, ушбу давлатларда уларнинг рақамли ташқи сиёсат стратегиясини белгиловчи алоҳида ҳужжат ва дастурларнинг пайдо бўлиши далолатдир. Аммо бу воқеалар учун давлатлар ўртасида самарали сиёсий мулоқотни давом эттириш зарур. Рақамли дипломатия давлатларнинг замонавий халқаро муносабатларини ифодалаш шакли бўлиб, бунинг учун ҳар бир давлатнинг “инсон омили”, “инсон ресурслари”ни такомиллаштириш ҳаётий аҳамиятга эга. Бироқ, ташқи дунё ва бошқа давлатлар билан ўзаро алоқасиз рақамли дипломатияни яхшилаш қийин бўлади. Шу жиҳатдан, биринчи навбатда икки томонлама алоқаларни рақамли дипломатия кўринишида амалга ошириш, сўнгра эса минтақавий ва халқаро даражадаги муносабатларга мазур тенденцияни жорий этиш керак бўлади.

Анъанавий оммавий ахборот воситаларидан (масалан, телевидение, радио ва газеталардан) фарқли ўлароқ, ижтимоий тармоқлар миллий ва халқаро муаммолар бўйича фойдаланувчилар ўртасида дарҳол мулоқотни ташкил қилади. Ижтимоий тармоқлар – бу янги жамоат форуми ва фуқаролар кўлида демократияни такомиллаштиришнинг янги сиёсий воситасидир, чунки кўпчилик реал вақт режимида ўз фикрларини билдира олади. Шу жиҳатдан, рақамли дипломатияни ҳаётга самарали татбиқ этишда ижтимоий тармоқлардан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Сабаби бугунги кунда аҳоли билан бирга дипломатик фаолият вакиллари ҳам ижтимоий тармоқларнинг фаол иштирокчиси ҳисобланади. Бу эса замонавий дипломатик фаолият ходимлари ижтимоий тармоқларда ўзларининг расмий саҳифаларига эга бўлишлари ва уларда доимий фаоллик кўрсатишларини талаб этади.

Давлатлар томонидан рақамли макондан фойдаланишнинг яна бир афзаллиги, хусусан, ижтимоий тармоқлар бошқа мамлакатлар фуқаролари билан деярли реал вақт режимида мулоқот қилиш имкониятидир, бу эса фаолроқ ва яқинроқ ўзаро ҳамкорликни ва натижада дипломатия мақсадларига эришишни назарда тутлади.

Хулоса ва таклифлар

Дипломатия мамлакат обрўсининг ўсишига, унинг бошқа мамлакатлардаги маданий мавжудлигига ҳисса қўшади, бу эса миллатнинг мўлжалланган қиёфасини акс эттиради ва давлатлар ўртасида юқори ишонч ва ўзаро тушунишга эришишга ёрдам беради. Самарали рақамли дипломатия ҳукуматнинг ушбу муаммолар нафақат халқаро кибербарқарорликка, балки иқтисодиёт, савдо ва бошқа халқаро мажбуриятларга ҳам чуқур таъсир кўрсатишини англаши билан бошланади. Рақамли дипломатия мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатига мос келиши керак, бунга миллий қонунчилик базаси ва сиёсатини халқаро мажбуриятларга мувофиқлаштириш ҳамда киберхавфсизликка ички ёндашувини халқаро саъй-ҳаракатлари билан мувофиқлаштириш орқали эришилади.

Рақамли ноаниқлик, халқаро муносабатлардаги парчаланиш омиллари рақамли дипломатиянинг асосий элементлари бўлиб хизмат қилади. Шу билан бирга, назарий ва методологик аниқликка эришиш учун биз таҳлил қилинаётган ҳодисага қуйидаги таърифни берамиз: Рақамли дипломатия – анъанавий дипломатиянинг такомиллаштирилган тури бўлиб, уни ривожлантириш орқали рақамли технологиялар ва электрон ресурслардан фойдаланишнинг мавжудлиги, мақбуллиги ва самарадорлиги туфайли давлатлар ўртасида сиёсий ҳамкорлик учун янги қарашлар ва имкониятлар шаклланади. [10]. Яқин келажакда рақамли дипломатия давлатларга хавфсизлик масалаларини хавф остига қўймасдан ва халқаро ўзаро ҳамкорлик усуллари амалга оширишда моддий харажатларга йўл қўймасдан, мураса манфаатларини тезда топиш, можароларни масофадан туриб ҳал қилиш имконини беради. Шу билан бирга, шуни ҳам таъкидлаш керакки, рақамли дипломатия анъанавий дипломатиянинг ўрнини босмайди, балки уни Интернет ва виртуал маконда ифодалаш шакли сифатида келади.

Дипломатиянинг ушбу янги соҳасини мустаҳкамлаш ва мамлакатлар учун ўзларининг рақамли дипломатия имкониятларини ривожлантириш учун тегишли дастурларни тақдим этишлари керак.

Айни пайтда рақамли дипломатия ривожининг замонавий тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги тадбирларни амалга ошириш зарурати мавжуд:

- рақамли дипломатиядан кенг фойдаланишга оид дастурий ҳужжатлар ва меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

- маҳаллий ва халқаро аудитория билан икки томонлама алоқани ташкил этган ҳолда ижтимоий тармоқлардаги давлат органларининг расмий akkaунтлари бўйича ишларни такомиллаштириш;

- илмий фаолият ва халқаро илмий ҳамкорликни кенгайтириш орқали рақамли дипломатиянинг доктринал асосларини мустаҳкамлаш;

- “Дипломатик хизмат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши, унинг мазмунида рақамли дипломатия, виртуал дипломатияни ривожлантириш, халқаро алоқа учун компьютер воситаларини тарғиб қилиш имкониятларини ҳам ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш, халқаро мулоқотлар жараёнида фойдаланиладиган рақамли технологиялар турлари, шунингдек улардан фойдаланиш давлатнинг ахборот хавфсизлиги учун хавф туғдириши мумкин бўлган рақамли технологиялар турларини ифодалаш;

- сунъий интеллектдан фойдаланган ҳолда рақамли маҳсулотларни ишлаб чиқишни фаол молиялаштириш рақамли дипломатияни янги босқичга олиб чиқади;

- АКТ, сунъий интеллект ва бошқа рақамли технологияларни жадал ривожлантириш контекстида рақамли дипломатияни ривожлантириш концепциясини қабул қилиш.

Шунингдек, рақамли дипломатияни амалга оширишда марказий ўринларда инсон омили сақланиб қолишини ҳисобга олган ҳолда, бўлажак дипломатик фаолият бўйича мутахассисларни тайёрлашда ўқув режалари ва курсларига алоҳида эътибор қаратиш керак бўлади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Cooper A. F., Heine J., Thakur R. The Oxford handbook of modern diplomacy. OUP Oxford, 2013.
2. <https://clck.ru/h39eM>
3. Персианов Д.И., Островский В.А. Цифровая дипломатия: истоки, цели и содержание // Скиф. 2022. №9 (73). УРЛ: <https://cyberleninka.ru/article/n/tsifrovaya-diplomatiya-istoki-tseli-i-soderzhanie> (дата обращения: 24.05.2023). (Persianov D.I., Ostrovskiy V.A. Digital diplomacy: origins, goals and content // Skif. 2022. №9 (73). УРЛ: <https://cyberleninka.ru/article/n/tsifrovaya-diplomatiya-istoki-tseli-i-soderzhanie>)
4. Цветкова Н. Феномен цифровой дипломатии в международных отношениях и методология его изучения // Вестник РГГУ. 2020. № 2, с. 37-47. (Svetkova N. The phenomenon of digital diplomacy in international relations and the methodology of its study // Bulletin of the RSUH. 2020. № 2, p. 37-47.)
5. Vjola C., Holmes M. Digital Diplomacy: Theory and Practice, New York: Routledge. 2015.
6. Vjola, C. (2016), Digital Diplomacy — the State of the Art, Global Affairs, vol. 2, iss. 3, pp. 297-299.
7. Сурма И. В. Цифровая дипломатия в мировой политике // Электронный вестник. 2015. №49. С. 220-249. (Surma I.V. Digital diplomacy in world politics // Electronic Bulletin 2015. №49. p. 220-249.)
8. Der Derian, J. Quantum Diplomacy, German-US Relations and the Psychogeography of Berlin, The Hague Journal of Diplomacy. 2011. vol. 6, no. 3-4, pp. 373-392.
9. Цветкова Н.А, Сытник А.Н., Гришанина Т.А. Цифровая дипломатия и дигитал интернационал релатионс: вызовы и новые возможности // Международные отношения. 2022. №2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/tsifrovaya-diplomatiya-i-digital-international-relations-vyzovy-i-nove-vozmozhnosti>. (Svetkova N.A, Sitnik A.N., Grishanina T.A. Digital diplomacy and digital international relations: challenges and new opportunities // International relationships. 2022. №2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/tsifrovaya-diplomatiya-i-digital-international-relations-vyzovy-i-nove-vozmozhnosti>)
10. Бердимуратова Г.М., Мирсанова Н. Эффективность внедрения цифровой дипломатии // Бюллетень науки и практики. 2022. №5. (Berdimuratova G.M., Mirsanova N. The effectiveness of the implementation of digital diplomacy // Bulletin of science and practice. 2022. No. 5) URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/yeffektivnost-vnedreniya-tsifrovoy>.



ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

2-МАХСУС СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР-2

JOURNAL OF LAW RESEARCH
SPECIAL ISSUE-2

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000